


3-25-2021

ARTISTIC DETAILS IN PU SUNG-LING'S CREATIVE STYLE

Jasur Ziyamuhamedov

Tashkent State Oriental University, Tashkent, Uzbekistan, as76@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Ziyamuhamedov, Jasur (2021) "ARTISTIC DETAILS IN PU SUNG-LING'S CREATIVE STYLE," *Philology Matters*: Vol. 2021 : Iss. 1 , Article 1.

DOI: 10.36078/987654476

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2021/iss1/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Received: February 26, 2021
Accepted: March 24, 2021
Available online: March 25, 2021

Жасур Зиямухамедов

Тошкент давлат шарқшунослик университети
доценти
Филология фаълари номзоди
Тошкент, Ўзбекистон

Jasur Ziyamuhamedov

Associate Professor, Tashkent State Oriental
University
Candidate of Philological Sciences
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: as76@mail.ru

ПУ СУНГЛИНГНИНГ БАДИИЙ УСЛУБИДА ДЕТАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

АННОТАЦИЯ

Бадиий адабиётда услуб, бу – умуман, жахон бадиий адабиётда ҳам, хусусан, копирайтерда ҳам кенг тарқалган махсус нутқ услуби деганидир. У юқори эмоционаллик, тўғридан-тўғри нутқ, ранглар, эпитет ва метафораларга бойлиги билан ажралиб туради, шунингдек, ўқувчи тасаввурига таъсир қилиш учун мўлжалланган ва унинг хаёлотини учун туртки вазифасини ўтайди. Баъзан, бадиий матнда муаллиф тасвирланган айрим нарсаларга ўқувчининг тўғри муносабатини шакллантириш учун ўз хистуйғуларини ифодалайди. Бундай муносабат ижобий ёки салбий бўлиши ҳам мумкин.

Мақолада ўрганилаётган деталлаштириш – баён этилаётган матн муҳитига ўқувчини имкон қадар яқинлаштириш, бадиий матн мазмунини тўлдириш ва турфа ранглар билан бойитиш учун хизмат қиладиган элементдир. Бу масала Хитойнинг машҳур новеллисти Пу Сунглинг ижоди мисолида кўриб чиқилган. Унинг новеллалари дунёда кенг шухрат топган ва кўплаб тилларда нашр этилган. Ёзувчи яшаган даврда ва ундан кейин ҳам зиёлилар ушбу новеллаларни кўп ўқидилар, кўча эртақчилари эса уларни жонли нутқ тилига айлантирдилар. Мазкур новеллаларнинг сюжетлари сахналарда намойиш этилди, суратларга кўчди, миниатюраларда ўз аксини топди. Пу Сунглинг новеллаларида муаллиф томонидан тафсилотларнинг берилиши, яъни муаллифнинг деталлаштиришдан фойдаланиш маҳоратини ўрганиш мазкур мақоланинг бош мақсади ҳисобланади.

ARTISTIC DETAILS IN PU SUNG-LING'S CREATIVE STYLE

ANNOTATION

Fiction style in literature means a special speech style that is common in both world fictions in general and in copywriting in particular. It is characterized by high emotionality, a wealth of direct speech, colors, epithets, and metaphors, and it is also designed to influence readers' imagination and serve as a stimulus to their imagination. Sometimes, in an artistic text, the author expresses his/her feelings in order to form readers' correct attitude to certain things described. Such an attitude can be either positive or negative. The detail we analyze in our article is an element that serves to draw readers as close as possible to the textual environment being described, to complement the content of the artistic text, and to enrich it with different colors. The article discusses this topic in the example of famous Chinese novelist Pu Sung-ling. His short stories are very popular and have been published in many languages around the world. In the writer's lifetime and beyond, intellectuals read these short stories, and street storytellers turned them into lively spoken language, the plots in these short stories were presented on stage, reflected in paintings and miniatures. In Pu Sung-ling's short stories we find the author's elaboration of details, i.e., specialization in literature. In other words, the main idea of this article is the author's attention to details. As we become acquainted with the analyses related to the details of the work in the stories, we see that this topic is of a special importance in Chinese literature. Although Pu Sung-ling's "Liao Jai's Stories of strange" was

Ҳикоялар мисолида асарни деталлаштириш ва умуман, детал билан боғлиқ таҳлилларни ўрганар эканмиз, хитой адабиётшунослигида бу масала алоҳида аҳамиятга молик эканлигига гувоҳ бўламиз. Ляо Жай тахаллуси билан ижод қилган Пу Сунглиннинг “Ляо Жайнинг ғаройботлар ҳақидаги ҳикоялари” венада ёзилган. Бироқ бу асар соддалаштирилган вена ва услубий жиҳатдан анча осон ва жўн бўлган оддий халқ тилини бир-бирига яқинлаштирганлиги туфайли ҳам бундай юксакликка эришган. Гарчи Пу Сунглин бошқа асарларнинг ҳам муаллифи бўлса-да, “Ляо Жайнинг ғаройботлар ҳақидаги ҳикоялари” алоҳида аҳамият касб этган.

Калит сўзлар: эмоционаллик, эпитет, метафора, копирайтер, Пу Сунглин, “Ляо Жайнинг ғаройботлар ҳақидаги ҳикоялари”, “Танг даври ҳикоялари”, зилзила, роҳиб, “Чинг Э”, “Лингжао”.

КИРИШ

Ҳар қандай бадиий матнда унинг баён услубига хос бўлган элементлар мавжуд. Ижодкор услубини белгилашда муаллифнинг ҳис-гуйғуларини ифодалаш тарзи, унда эпитетлар, метафоралар, қиёслашлар, инверсия, аллегория каби билан билан бирга деталлаштириш муҳим ўрин тутди. Санаб ўтилган элементларни ёки уларнинг айримларини фақат матнларнинг бадиий услубида топиш мумкин. Уларнинг ҳар бири муайян функцияни бажарса-да, аммо барчаси битта мақсад учун хизмат қилади: баён этилаётган матн муҳитига ўқувчини имкон қадар жалб қилиш, матнни тўлдириш ва турфа ранглар билан бойитиш.

Барча бадиий матнларда ажралиб турадиган биринчи жиҳат, бу – деярли ҳамма нарсада тафсилотларнинг берилиши, яъни асар муаллифи томонидан деталлаштиришдир. Деталлаштириш воситасида асар бадиияти янада сайқалланади, асар қайси жанрга мансуб бўлмасин, уни янада жонли чиқишига сабаб бўлади. Ҳикоялардаги асар деталлари билан боғлиқ таҳлиллар билан таънишар эканмиз, ўзбек адабиётшунослигида ҳам мазкур масала долзарб мавзудан бири эканлигига гувоҳ бўламиз [Шералиева М., 2020; 152].

“... Аслида детал барча жанрларда ҳам ўзига хос ўрин тутди, лекин ҳикояда бошқача аҳамият касб этади-да! ...ҳикоя қисқа ҳажмли асар. Қисқаликка эса тасвирда сўзларни тежаш орқали эришилади. Ана шунда деталлаштириш маҳорати ёзувчига қўл келади. Ижодкорнинг топқирлиги туфайли қўлланган деталлар тилга кирганда ҳикояни гапиртириб юборади. Китобхон эътибор бермай ўтишим мумкин бўлган бундай деталлар ё йўл-йўлакай шунчаки эслаб қўйилади (аммо изсиз кетмайди) ёки баён қилинаётган воқеликка сингдириб юборилади [Солижонов Й., 2007; № 5].

written in Venus under the pseudonym Liao Jay, his work also reached such heights because of its simplification of Venetian and the simplification of the vernacular, which was much easier and more methodologically simple. Although Pu Sung-ling is the author of other works, “Liao Jai’s Stories of strange”, which we cite as examples in the article, was widely known in Pu Sung-ling’s land and later all over the world, gaining people’s interest and respect.

Key words: emotionality, epithet, metaphor, copywriter, Pu Sung-ling, “Liao Jai’s stories of strange”, “Tang period stories”, earthquake, monk, “Ching E”, “Ling Jiao”.

МАҚСАД ВА ВАЗИФА

Деталлар билан ишлаш бўйича хитой адабиётида ўзига хос мактаб яратган ижодкор Пу Сунглинг (蒲松齡) номи ўзбек китобхони ва хитой адабиёти ихлосмандлари, ҳамда хитой адабиётининг тадқиқотчиларига бизнинг аввалги ишларимиздан маълумдир [Зиямухамедов Ж., 2004; № 7., Зиямухамедов Ж., 2016., Зиямухамедов Ж., 2003; № 2, 67-80] “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” (聊斋志异) асари, биз айнан ўрганаётган деталлаштириш санъати билан бойиган асарлар сифатида ҳам этирофга лойиқ. Пу Сунглинг умрининг охирларида ўз мамлакати бўйлаб турли жойларга бориб “шахсий маслаҳатчи ёки ўқитувчи” бўлиб ишлашдан ташқари, бир неча ўн йиллар мобайнида саройда ишлаган, қишлоқларни, шаҳарларни, ўрганган, саёҳат қилган. Катта тажриба орттириб, ҳамма нарсани диққат билан ўрганиб, ҳар бир ходисани чуқур ўрганиш давомида кузатганларини хазинадек йиққан, бир ҳикояга етгулик маълумот тўплаганидан кейингина у бирор-бир ҳикоя (новелла) ёзишга ўтирган. Ушбу йиққан маълумотларини эса у ўз новеллаларини ёзиш чоғида ишлатган. Хитой Чин сулоласининг ёркин намояндаси Пу Сунглинг қаламига мансуб “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” асари дунё адабиётшунослигидаги машҳур ҳикоянавислар асарлари билан бир қаторда “мўъжизавий ҳикоялар кироли”га айланди десак ҳеч муболаға бўлмайди. “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” Хитой ўрта асрлар адабиёти маҳсули бўлиш билан бирга ўша даврнинг қомусий китоби ҳам саналади. Бу асарда шохдан тортиб чўригача – ҳар бир персонаж алоҳида хусусиятлар билан баён этилади. Асарда сиёсий маданият, оиладаги турмуш, халқ урф-одатлари, ўйин-кулгу ва шу каби маиший мавзулар ёритилган.

УСУЛЛАР

Мақолада қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, илмий мақолани ёзишда кузатув, таҳлил ва тарихий-қиёслаш усулларига мурожаат қилинди. Пу Сунглингнинг ҳаётни чуқур таҳлил қила олиш қобилиятига баҳо бериш учун унинг асарларига кўп ҳолларда манба бўлиб хизмат қилган Танг даври ҳикояларини ва унинг қаламига мансуб “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”идаги новеллаларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

НАТИЖАЛАР ВА МУЛОҲАЗА

Американинг Лос-Анжелес шаҳридаги Помона коллежи профессори Allan H. Barr (унинг хитойча исми: 白亞仁) 1977 йилдан бошлаб “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”ни ўрганди. Шу кунга қадар унинг ушбу мавзуга оид йигирмадан ортиқ мақоласи чоп этилган. Аллан Барр, Буюк Британия ва АҚШ фуқаросидир. У 1954 йили Канадада туғилган. 1977 йили Кембриж университетининг шарқшунослик факультетини тугатган, 1977–1978 йиллари Фудан (复旦大学) университетида таҳсил олган, 1980 йили Кембриж университетида хитой адабиёти магистри ва 1983 йили Оксфорд университетида хитой адабиёти бўйича профессор унвонига сазовор бўлган. Ҳозирда АҚШнинг Ка-

лифорния штатидаги Помона коллежининг Осиё тиллари ва адабиёти кафедраси профессоридир. У асосан Минг (明) ва Чинг (清) сулолалари адабиётини ва тарихини ўрганади. У, айниқса, "聊斋志异" ва Минг ҳикояси таржималари билан АҚШда машҳур. "Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари" ва Минг сулоласининг сўнгги даври ҳамда дастлабки Чинг сулолалари даври адабиётига бағишланган инглиз тилидаги бошқа мақолалари "Harvard Asian Journal" ва яна шу каби академик журналларда нашр этилган. Шу билан бирга у Хитойнинг замонавий адабий асарларини ҳам таржима қилган, жумладан, Ю Хуа (余华) нинг "Шомдаги ўғил бола" (黄昏里的男孩), "Ёмғирдаги чинқирик" (在细雨中呼喊), "Еттинчи кун" (第七天), "Хитойни ўн сўз билан айтганда" (十个词汇里的中国), "3 апрель воқеалари" (四月三日事件) кабилар. Ўз тадқиқотларини янада бойитиш мақсадида у беш маротаба Пу Сунглинг яшаган ўлка, яъни Шандунг вилоятининг Зибо шаҳрига бориб, изланишлар олиб борган. "Бир ғарбликка нисбатан, Хитойдагиларга Ляо Жайни ўрганиш анча қулай ва осон, менинг бу узоқ муддатли лойиҳам бу бир академик бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади" деб ёзади олим ўз рисоаларида. 80-йилларда олим Колумбия университетида бир хитойликнинг шажарасини топиб олади ва бу унга Пу Сунглингнинг асарларини ўрганишда кўмакчи вазифасини ўтайди. "Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари" дунё адабиёти тарихида ўз ўрнига эга асардир. Аллан Баррнинг фикрича, бу асар юқори ўринларни эгаллаб, кейинчалик инсониятнинг умумий бойлиги деб ҳисобланади. "Мен кўпинча қизимнинг болалигида Ляо Жайнинг ҳикояларини айтиб берардим" дейди олим. Аллан Баррнинг "Harvard Journal of Asiatic Studies" деб номланган журналда эълон қилган "The Textual Transmission of Liaozhai zhiyi" [Harvard Journal of Asiatic Studies Vol. 44, No. 2 (Dec., 1984), pp. 515-562 (48 pages) <https://doi.org/10.2307/2719041> <https://www.jstor.org/stable/2719041>Cite this Item] деб номланган мақоласида "Сўнгги йилларда "Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари" унинг муаллифи Пу Сунглинг 1679 йили асарга сўзбоши ёзганида ниҳоясига етган, деб тахмин қилинади. Лекин ундаги баъзи ҳикоялар кейинчалик ёзилган деб тан олинган ва улар сон жиҳатидан оз, мазмунан анча бой деб ҳисобланарди. Ярослав Прушек (1906–1980) 1959 йили эълон қилган мақоласида ушбу фикрни тўла қўллаб-қувватлади ва Пу Сунглингнинг 1670 йиллар давомида жуда аянчли, аммо сермахсул ижодий даврни бошидан кечирганлигини кўрсатадиган бошқа асарига ҳам ишора қилди" деб ёзади. Ўша давр ёзма адабий тили венян тили бўлиб, аслида, ўша даврда байхуа тили ҳам мавжуд бўлса-да, бадиий асарлар асосан венянда ёзилган [Хасанова Ф., 2018; 339–342]. Жумладан, биз таҳлил қилаётган новеллалар ҳам венянда ёзилган бўлиб, кейинчалик байхуада ҳам чоп этилган. Гарвард университети профессори Жуди ҳам "Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари"ни дунёдаги энг яхши асарлар сирасига киритган эди. Томас Уайк (Thomas William Whyke) ва Мелиса Браун (Melissa Shani Brown) "The Face of the Nonhuman: Human-Animal Encounters in Pu Songling's Liaozhai Zhiyi" деб номланган мақоласида [<https://brill.com/view/journals/soan/aop/article-10.1163-15685306-VJA10031/article-10.1163-15685306-VJA10031.xml>] "Ляо

Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”га асосланиб, ўзаро ахлоқий муносабатлар шакллари, ҳайвонларнинг одамга айланиши, “инсон бўлиш” ва “инсон фазилатлари”ни тасвирлаш каби масалаларни ёритадилар.

Россиянинг ижтимоий фанлар академияси академики Борис Львович Рифтин (1932–2012) ҳам Ляо Жайни Россияда ўрганишга катта ҳисса қўшган олимлардан бири эди. Уни Хитойда Лифучин (李福清) номи билан танишади. Борис Львович 1978 йилдан бошлаб Ляо Жай асарларини таржима қилишни бошлаган, Пу оиласига алоқадор йигирма тўққизта асарни рус тилига таржима қилган ва уларга оид йигирма иккита мақола ёзган. Чин сулоласининг вакили Пу Сунглинг қаламига мансуб “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россияда ўрганила бошланди. 1878 йили Россиянинг “Янги асар” журналида Ляо Жайнинг “Бепарво сув ўти” (水莽草) ҳикояси босиб чиқарилди. 1880 йили россиялик хитойшунослардан бири Василий Павлович Васильев (1818–1900) “Хитой адабиёти тарихи” қўлланмасини нашр қилди. У дунёдаги хитой адабиёти ҳақидаги машхур қўлланма бўлиб, унда “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” асарига ҳам тўхтаб ўтилган. 1883 йили В.П.Васильев рус тилига “Абао” (阿宝), “Генг хоним” (庚娘), “Мўйнали тулки” (毛狐) каби Ляо Жайнинг бир неча новеллаларини таржима қилди. Борис Клементьевич Пашков (1891–1970) Пу Сунглинг асарлари ҳақида монография ёзган илк олимлардан бири эди. У 1921 йили “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” мазмуни таҳлили” деб номланган мақоласини эълон қилди. Мақолада асарнинг турли тиллардаги (манжур, немис, инглиз, француз) мазмуни ўрганилиб чиқилган. Борис Пашков шунингдек, Ляо Жай асарларининг содда таснифини ҳам яратди. Унга кўра, ёзувчи асарлари конфуцийлик, даосизм, буддизм билан боғлиқ ҳамда бошқа масалаларга оида қарашларни акс эттирган.

Кейинчалик россиялик хитойшунослар ҳам бу асарни ўрганишда давом этдилар. 1910 йили, ўша маҳалларда энди йигирма тўққиз ёшни қаршилаган ёш хитойшунос Василий Михайлович Алексеев Санкт-Петербург университетида хитой тили ва адабиётидан дарс бера бошлаган эди, “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” асосида “Хитой фонетик адабиёти”ни яратди. Шу йилнинг ўзидаёқ “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”дан иккита ҳикоясини рус тилига таржима қилиб, нашр эттирди. Шундай қилиб, у Хитой мумтоз адабиётининг ўрганилишига ўз ҳиссасини қўшишни бошлайди. У баъзан хитойликлар ёки талабалар қаршисига чиққанда, “Ляо Жай” услубида нутқ сўзларди. В.М. Алексеев “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” хусусида мақолалар ёзган йирик хитойшунос олим ҳисобланади. У 1920 йили “Шарқ адабиёти” китобининг “Хитой адабиёти” бўлимида “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” ҳақидаги шундай фикрларни келтиради: “Ғаройибот олаmidан келган “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”даги севги одамлар қалбида порлайди, у инсон руҳиятига ўзининг таъсирларини ўтказа олади”. У яна Пу Сунглиннинг ушбу асари ҳақида шундай дейди: “Асарда муҳаббат турли шаклларда намоён бўлади: парилар, арвоҳлар, ўзгарган инсоният, ҳайвонларнинг муҳаббати. Буларнинг барчаси Ляо Жайнинг

асарларида ўзгача тарзда келтирилган ва шунинг учун ҳам у буюк ижод намунаси бўла олади. Хитойликлар учун ушбу асар Хитой маданияти ва адабиётининг барча олижаноб анъаналарини ўзида мужассам этган ҳолда ҳикоянависликда тенги йўқ қобилиятни намоён этади” [Алексеев В.М., 1978; 64].

1922 йили В.М. Алексеев Петроградда Ляо Жайнинг “Тулки афсунлари” (狐魅) тўпламини рус тилига таржима қилиб, нашрдан чиқаради. У бу тўпламнинг кириш сўзида Пу Сунглиннинг ҳаёти, босиб ўтган йўли ва бир қанча новеллаларини китобхонларга таништиради ҳамда ёзувчининг заковоти ва асарларига хос хусусиятларга алоҳида тўхтаб ўтади. 1923 йилга келиб нашр қилинган “Сеҳргар роҳиблар” (魔僧) ҳикоялар тўпламининг кириш сўзида В.М. Алексеев роҳиблар ва даослар ҳақида гапириб, Пу Сунглин шундай мўъжизаларга ишонадими, деган саволни кўтариб чиқади. Бундан ташқари, кириш сўзида Пу Сунглиннинг мазкур мақоламизда бевосита таҳлил қилаётган услубларига ҳам эътибор қаратади. Ляо Жайнинг мураккаб саналган венян тилида халқ орасидаги ҳикоялар ёки кундалик турмушдаги мавзуларни баён этиши ва қобилияти ҳақида ёзади. Пу Сунглинни инсонларнинг нафс қутқуларига асирлиги ёхуд ақлга сиғмас ҳолатларни ҳам тасвирлай олган ёзувчи сифатида юқори баҳолайди. Заифларни қоралаб, қаҳрамонларни улуғлайди. Алексеевнинг бу мақоласи 1923 йили ёзилган бўлса-да, аммо 1978 йилга келибгина “Хитой адабиёти” йиғма жилдига қўшилган. Унинг ёзишича, илгариги одамлар “Табиат уларни шафқатсиз равишда ақлга сиғмайдиган нарсалар билан бошқаради” деб фикрлаганлар [Алексеев В.М., 1978; 319].

Балки айнан шу сабабли бўлса керак, “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”да роҳиблар ва даосларнинг ғалати тасвирларини ҳам учратиш мумкин. Лекин асарда оддий одамлар бундай роҳибларга қарши туришади. Бир томондан, улар ўзларини бундай буюк одамларга ишониб топширишса, иккинчи томондан, улардан нафратланар эдилар, чунки бундай ғайритабиий инсонлар билан оддий одамлар ўртасида алдовлар жуда кўп маротаба содир бўлган эди. Ёзувчи роҳиблардан фойдаланиб дунёда адолат борми, деган саволни ўртага ташламоқчи бўлади. В.М. Алексеевнинг фикрича, “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”да роҳиблар ва даослар қадимий юнон ёки римдаги худоларга ўхшаб кетади. В.М. Алексеев Пу Сунглин асарларини ёзувликни қоралаб, эзгуликни тарғиб қиладиган асарлар деб ҳисоблайди.

В.М. Алексеевдан кейин 1950 йилларнинг охирида Пётр Матвеевич Устин Пу Сунглин асарларини ўрганишни давом эттирди. У 1956 йили “Пу Сунглин новеллалари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Диссертация 1955 йилда биринчи марта нашр этилган “Ляо Жай” қўлёзмасига асосланган. Тадқиқотчи Пу Сунглиннинг қўлёзмаси ҳамда журналларда берилган новеллалар ўртасидаги турли хил матнларни таққослайди, нашр этилмаган матнларга эътибор қаратади. П.М. Устин Пу Сунглин асарлари манбасини татқиқ қилиб, нафақат Ганбао (干宝)нинг “Соу Шен Жи” (搜神记)си ва Тан сулоласи сеҳрли новелласи, балки бошқа матнлар устида ҳам ишлайди. Пу Сунглин асарлари ҳақида гапирганда, П.М. Устин, айниқса, аёл образига

махсус тўхталади. Шу билан бирга, ёзувчининг ўз халқи дардига муносабатини – эътиборини кўрсатиб беради. П.М. Устин Пу Сунглингнинг адабий услуби ҳақида ҳам гапиради, унинг маҳорати ва асарлари тили борасида ҳам ўз мулоҳазаларини билдиради. Россиялик олим Ольга Лазаревна Фишманнинг (1919–1986) “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” устида олиб борган тадқиқот бошқаларникидан ажралиб туради. У дастлаб Пу Сунглингнинг ворислари Жиюн (纪昀, 1724–1805) ҳамда Юанмей (袁枚, 1716–1797) ижодини ўрганди. 1974 йилга келиб у Жиюннинг “Кичик чайла (ҳикоялари) ҳақида бицзилар” (阅微草堂笔记)ини, 1977 йили эса Юанмейнинг “Янги Чи уйғунлиги” (新齐谐) асарини нашрдан чиқаради. Тўпланган ушбу материалларга асосланиб, О.Л. Фишман “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”ни тўлиқ концепцияга эга бўлган асар деб баҳолайди. 1980 йили О.Л. Фишман “XVII ва XVIII лардаги учта хитойлик ёзувчи: Пу Сунглинг, Жи Юн ва Юан Мей” деб номланган асарини нашрдан чиқаришга муваффақ бўлди. Бу китоб орқали Пу Сунглинг ҳаёти ҳамда дунёқараши ҳақида китобхонларга маълумотлар беради. “Пу Сунглинг дунёқараши асосида Конфуцийлик ётади, лекин бу қарашлар эски қолипда эмас, балки одамларни тарбиялашга, ўзаро меҳрибон бўлишга қаратилган эди”, – деб ёзади [Фишман О.Л., 1980; 46]. У Пу Сунглингнинг асарларидаги ижтимоий қарама-қаршиликларга (кучлилар ва кучсизлар, бойлар ва камбағаллар, аҳмоқ зодагонлар ва истеъдодли олимлар) асосланган ғоявий тизимни тадқиқ қилди. Дарҳақиқат, Пу Сунглинг воқеалар талқинида, китобхонни, кишининг ижтимоий келиб чиқиши унинг тақдирига таъсир этади, ким бўлишини белгилайди, деган фикрга олиб келади. Ижтимоий адолатсизлик янги сулола ҳукмронлигида асосий ҳаракатлантирувчи куч эканлигини кўрсатади. Бу жамиятда айримларга ҳокимият ва бойлик, бошқаларга эса ҳуқуқсизлик ва қашшоқлик берилган. Аввалгилар ўз мавқеини сақлаб қолиш, мустаҳкамлашга интилса, бошқалари аҳволларини яхшилашга ҳаракат қиладилар. Таҳлиллар сўнгида О.Л. Фишман қуйидаги хулосага келади: “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”ни қисмлардан ташкил топган ёки яхлит бир мавзуга эга асар деб айтиш мумкин. Ёхуд деталлар йиғиндиси деб таърифлаш ҳам мумкин” [Фишман О.Л., 1980; 105]. Пу Сунглинг, Жиюн ва Юанмей асарларини тадқиқ қилар экан, О.Л. Фишман тегишли асарлар тўпламларидан ҳар бирини бир-бирига қарама-қарши характердаги ва айни пайтда, ўзига хос “бирлаштирувчи” мавзуларга эга деб ҳисоблайди. Масалан, Жиюннинг мақтов ва танқидга қаратилган асарларида “яхшилиқ” (善) ва “ёвузлик” (恶) зиддиятига асосланган. Юанмей асарларида эса одоб-ахлоқ мавзуси билан бирга афсоналар муҳим мавзу ҳисобланади ва унда инсон ва арвоҳлар қарама-қаршилиги бадий талқин этилган. О.Л.Фишман охириги хулосага сифатида қуйидаларни келтиради. “Пу Сунглинг яшаган даврда жамиятда адолатсизлик ҳукм суради, у таълим тизими, давлат имтиҳон тизимини ўзгартиришни кўтариб чиққан шахслардан эди.” [Фишман О.Л., 1980; 363].

Куйида “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”даги айрим новеллаларни кўриб чиқамиз. Масалан, “зилзила” мавзусининг ўзига хос баёни ва

трансформациясин Танг даври ҳикояларида ҳамда Ляо Жай асарларидаги деталлар мисолида таҳлил қилиб кўрсак.

Лиу Су (刘肃)нинг “Буюк Таннинг янги гаплари” (大唐新语) асаридаги бир бобда зилзила тасвири келтирилган. Мазкур асар “唐新语”, “大唐世说新语”, “唐世说新语”, “世说”, “大唐新话” каби номлар билан ҳам танилган. Асар Танг сулоласи бицзилари (ҳикоялари) тўпламидир. Бу тўплам Лиу Су томонидан тузилган. Асарда Тан сулоласидаги илк Танглар сулоласидан бошланиб то унинг охиригача яшаган тарихий шахсларнинг сўзлари ва амаллари қайд этилган. Асарда зилзилага муносабат билдирилганда, фақат “Пужоу зилзиласининг гумбурлаган овози бор эди, ўн кундан ортиқ вақт давом этди” маъносини ифодаловчи ўн иккитагина иероглифдан иборат жумлани кўришимиз мумкин. Битик тартиб билан, бир бошдан ёзилмаган, шунинг учун зилзила ҳақида сўз борганда ҳам фақат “гумбурлаган овоз” келганлигини айтиб ўтилган холос. “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”даги “Зилзила” [Ziyamuhamedov J., Shamshiyeva Z., 2012; 7] ҳикоясида эса зилзилани таърифлаган Пу Сунглинг “аввал унинг (зилзиланинг) момақалдироқдек гумбурлаган овози борлигини, у бунинг сабабини эса тушунмасдан ажабланганини” ёзади. Шу билан бирга муаллиф зилзила билан боғлиқ бир нечта ҳодисаларни таърифлашда алоҳида деталларни кўллади: “Май қуйилган қадахнинг ағдарилиб кетганини, уй устунларининг қулаганини, уларнинг ғичирлаган овоз чиқарганини, одамлар бир-бирларининг кўрқувдан ранги қочган юзларига тикилганларини” батафсил айтади. Шунингдек, Ляо Жай касалликлар тарқалгани, биноларнинг қулагани, йиқилиб яна қайтадан уларни тикланганликари, зилзиладан одамларнинг ҳам бошлари айланиб оёқда тик тура олмай қолганлари, ерда ёнбошлари билан уёқдан-буёққа думалаганликлари, дарё суви ҳам мавжланиб катта тўлқинлар ҳосил қилгани, қушлар чуғури, итларнинг вовиллаши, ўғил болаларнинг вой-войлаганию қизларнинг дод солгани, охиригача зилзила тўхтагандан кейин эркалар ва аёллар бир жойга тўпланиб, офат келтирган талофотларни муҳокама қилганлари ҳақида ёзади.

“Тоғ ён бағридаги шаҳар” 山市 [https://www.gushiciju.com/shici/79155a7. Новелланинг хитойча матни ушбу сайтдан олинди. Таржима Ж.Т. Зиямухамедовники] новелласида эса, бир киши майхонага май ичиш учун киргани, бирдан тоғ чўққисида турган якка минорани кўриб қолгани, бундай минора ўнлаб қасрларда ҳам йўқлигини, шундан тоғ ён бағридаги шаҳарни энди англаб бораётгани ҳам тасвирланган. Шаҳар деворлар билан ўралган, лекин ўртасидаги бинолар, ибодатхоналар, устахоналар йиллар ўтса ҳам унинг кўз ўнгида эди. Тўсатдан эсган қаттиқ шамол ҳақида ёзганида эса, ёзувчи қўшимча деталлардан фойдаланади, булар: чанг-ғубордан шаҳарнинг хиралашиб қолиши, шундан кейин шамол тўхтаб, осмоннинг тиниқлашиши, қушларнинг ҳаммаси шу ердалиги, биргина қулай деб қолган эски бинонинг осмон билан боғланиб кетаётгандек туриши, бино устидаги одамларнинг заррадек кичик кўринишини, уларнинг гоҳ суяниб, гоҳ тик туришлари, бир оз вақт ўтиб миноранинг пасайиши, фақат унинг чўққисини кўриш мумкин бўлиб қолгани, унинг оддий бинолардек

пастак бўлиб қолгани, яна бир қараса – тик ҳолга келгани, бир қараса – мушт-дек, яна бир қараса – нўхотдек бўлиб кўриниши, охири – кўринмай қолгани кабилардир. Ёзувчи бу новелласини ҳам бошқалари сингари узоқ кузатишлар асосида, ҳақиқий ҳаётни қоғозга туширгандек ёзган. Пу Сунглинг ўз асарларини шошиб, атрофдаги воқеаларга бир назар солиб, кейин ёзилгандек бир услубда ёзмаган. Пу Сунглингнинг ҳар бир асарида ҳаётининг майда деталлар келтирилган, шунинг учун ёзган асарлари реал ҳаёт сингари ёрқин, ҳақиқий, узлуксиз ҳаракатланаётгандай чиққан. Ҳаётнинг ёрқин нурлари доим унинг асарларида порлаб туради.

Танг сулоласининг афсонавий ёзувчиси Чен Хуаню (陈玄祐) милодий 790 йилларда яшаган. Туғилган ва вафот этган йили номаълум. У Юан сулоласи давридаги “Гўзал қизнинг руҳини тарк этиши” драмасининг прототиби бўлган “Рухни тарк этиш ҳақида хотира” деб номланган Танг даврининг афсонавий ҳикояси муаллифи. Чен уанюнинг “Рухни тарк этиш ҳақида хотира” (离魂记) [<http://wyw.5156edu.com/html/z1419m6260j2034.html>. Новелланинг хитойча матни ушбу сайтдан олинди. Таржима Ж.Т. Зиямухамедовники] новелласи Хитойда Танг сулоласи ҳақидаги сеҳрли новелла жанрига кирувчи кичик асардир. Хитой адабиётига хос бўлган сеҳрли новелла жанрига биз илгари ҳам ўз тадқиқотларимизда эътибор қаратганмиз [Зиямухамедов Ж., 2004; 54–58]. Ушбу сеҳрли новелла ўша пайтдаги йигит ва қизларнинг никоҳ эркинлигини талаб қилиш истагини – уларнинг феодал ахлоқ қоидаларига қарши курашини акс эттиради. Бу асарда халқ орасида машҳур бўлган “Арвоҳ қиз” воқеаси тасвирланган. Асар “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”га ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Лекин унда китобхонни таъсирлантирадиган деталлар йўқ. Масалан Цяньнян ва Ван Чжоу болаликдан бирга катта бўлишади, жуда бахтли ҳаёт кечиришади, улар “тушларида ҳам, ўнгларида ҳам, доим бирга бўлишни истардилар, оила аъзолари эса бундан беҳабар эдилар”. Ҳикояда мана шу таърифлар бор ҳолос. Оила аъзолари нима бўлаётганини билмаслиги мумкин эди, аммо адиб бунини бошқача таърифласа ҳам бўлар эдику, яъни ёзувчи оила аъзоларининг бундан нима учун беҳабар эканликларини кўшимча деталлар билан берса мақсадга мувофиқ бўларди. Асар жонли ва қизиқарли чиқиши учун ёзувчи айнан ўша содир бўлаётган “ҳолат”ни ёзиши, бунинг учун эса айнан майда деталларгача қолдирмасдан, шу муҳитда яшаётган образни ёки воқеалар ривожини бериши керак.

Энди “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”дан ўрин олган новеллаларда шунга ўхшаш сюжетларни кўриб чиқамиз. Ёш йигит ва қиз туйғуларини баён этишда Пу Сунглинг деталлардан фойдаланиш маҳоратини “Чинг Э” (青娥) ва “Лингжиао” (菱角) новеллалари мисолида ўрганиш мумкин. “Чинг Э” новелласига мурожаат қилсак: “Бир куни Хуо Хуан ўз уйи дарвозаси олдида Чинг Э ни кўриб қолди, у ҳали ёш бола эди, ҳеч нарсани тушунмаса ҳам, лекин уни севиб қолганини тушунди. Аммо севгисини унга изҳор қила олмади. Уйига қайтганидан кейин бу ҳақда онасига айтди, онасидан кимдир унинг уйига совчилик учун юборишини илтимос қилди. Онаси Чинг Э ҳозир турмуш-

га чиқишни истамаслигини, шунинг учун бу ишни амалга ошириш қийин эканлигини билар эди. Бундан Хуо Хуан жуда қаттиқ қайғуга ботди. Она фарзандининг ишқ дардида бетоб бўлиб қолиши мумкинлигини тушунди ва шунинг учун ҳам бир одамни вакил қилиб қизниқига совчиликка жўнатди. Қизнинг оиласи қизини уларга турмушга беришга ваъда бермади. Хуо Хуан севгисини ҳар он, ҳар лаҳзада ўйлаб юрди, аммо ҳеч бир чорасини ўйлаб топа олмади. Кунлардан бир куни унинг дарвозаси олдида бир руҳоний пайдо бўлди. Қўлида сопи узун белкурак ушлаб олган эди. Хуо Хуан унинг олдида келиб унга қараб туриб, деди: “Бу нарса нима учун ишлатилади?” “Буни доривор ўсимликларни кавлаб олиш учун ишлатиладилар, унинг кичиклигига қараманг, қаттиқ тошни ҳам ёриб кира олади”, – деб жавоб берди руҳоний.

Хуо Хуан ишонмади, руҳоний қаттиқ девор устидаги тошга шунчаки қўлидаги белкуракни бир уриб санчди, худди доуфуга (доуфу – Хитойдаги анъанавий озик-овқат маҳсулотларидан бири бўлиб, унинг асосий хом ашёси соя ҳисобланади. Доуфунинг оддий тайёрлаш жараёни ва катта озуқавий қиймати билан дунёда энг машҳур озик-овқат маҳсулотларидан бирига айланди. Бу соя сутидан тайёрланган творог. У хом ҳолда истеъмол қилинади ва ҳар хил иссиқ ва совуқ хитой таомларини тайёрлаш учун ишлатилади) санчгандек кириб кетди. Хуо Хуан жуда ажабланди, қўлига олиб айлангириб кўрди, ўткирлигига амин бўлди. “Сизга ёққан бўлса, уни сизга совға қиламан”. Хуо Хуан бундан жуда ҳурсанд бўлиб кетди, чўнтагидан пул чиқариб руҳонийга миннатдорлик сифатида узатди, аммо руҳоний пулни олмай кетиб қолди” [<https://duguoхue.com/yuedu/29160.html>. Новелланинг хитойча матни ушбу сайтдан олинди. Таржима Ж.Т. Зиямухамедовники]. Новеллада ҳар бир детал жуда тўғри танланган ва ўз ўрнида ишлатилган. Шу сабабли ҳам новелла жуда таъсирчан чиққан.

Энди Пу Сунглиннинг “Лингжао” новелласидаги деталлар билан танишамиз: “Ху Даченг деган бир одам бор экан, у Чу мамлакатидан экан. Унинг она томонидан аждодлари буддизмга эътиқод қилишар экан. Даченг бир ўқитувчининг уйига бориб китоб ўқишни ўрганар эди, ўқишга кетаётганида Гуангйин ибодатхонасига кўзи тушди. Унинг онаси ҳар гал унга “Гуангйин ибодатхонаси ёнидан ўтаётганида у ерга кириб, ибодатхонадаги буддага таъзим қилиб ўтиши керак”лигини уқтирарди. Шу куни Даченг ибодатхонага кирганида бир қизнинг кичкина болани эргаштирганча ибодатхона ичида айланиб юрганани кўрди. Қизнинг сочлари елкасига аранг етган бўлса ҳам, лекин жуда гўзал эди. Шу йил Даченг 14 ёшга киради, юрагида қизга нисбатан қандайдир ҳис-туйғулар пайдо бўлди. Унинг оиласини, ўзи эса ким эканлигини сўради. Қиз кулиб: “Мен расом Ци Сийжаонинг қизи Лингжаоюман. Менда қандайдир ишингиз борми?”– деди. “Турмушга чиққанмисан?” – деб яна сўради Даченг. “Йўқ”, – деди қиз уялибгина. “Мен сенинг турмуш ўртоғинг бўлсам майлими?” – деди. “Буни мен ҳал қила олмаيمان”, –деди-ю кўзлари ишқдан чакнаб кетди, ўғринча Даченгга бошдан-оёқ қараб олди, афтидан ичида рози эди. Даченг ибодатхонадан чиқди, у узоқлашганда ортидан югуриб бориб унга: “Цуи Леченг менинг отамнинг дўсти, уни вакил қилиб юборсангиз, бу иш амалга ошади” – деди.

Даченг: “Яхши”, – деди. Лингжаонинг зукколигига тан бериб, уни юракдан янада кўпроқ севиб қолди. Уйга келиб, юрагини онасига очди. Онасининг фақат шу, ёлғизгина ва ягона фарзанди бор эди, шунинг учун ҳам доим унинг истакларини бажарар эди. Онаси зудлик билан Цуи Леченгни вакил қилиб қизниқига совчиликка юборди. Қизнинг отаси қизи учун кўп микдорда маҳр сўради. Сал қолса келиша олмай қолишлари мумкин эди. Лекин Цуи Леченг Даченгни оқсуяклардан эканини, бунинг устига ўта қобилиятли йигит эканлигини айтганидан сўнг Ци Сийжиао қизини унга турмушга беришга ваъда берди” [<http://qixin123.cn/post/551.html>. Новелланинг хитойча матни ушбу сайтдан олинди. Таржима Ж.Т. Зиямухамедовники].

Танг даври адабиёти ҳикоянависларининг асарларида ва Пу Сунглинг асарларида майда деталларнинг мавжудлиги ҳамда адибларнинг майда деталлар билан ишлай олишларида жуда фарқли жиҳатлари мавжуд.

Танг даври адабиёти вакиллариининг кўпчилиги маълум мавқени эгаллаган давлат амалдорлари бўлганлар. Уларнинг ҳаёт тарзи бир оз тор кўламли бўлиб, оддий аҳоли ҳаётидаги баъзи майда деталлар ҳақида, уларнинг келиб чиқиш илдизларини билмаганликлари учун ҳам ёза олмаганлар. Танг даври адабиёти ёзувчилари майда деталларга ёки улар наздида аҳамиятсиз ҳисобланган деталларга чуқур ёндашмаганлар.

Хитойда Пу Сунглингдан олдин ҳеч бир ёзувчи у каби майда деталларни ва аҳамиятсиз кўринган нарсаларни чуқур ўрганмаган ва ўз асарларида қўлламаган. У ҳодисаларни чуқур таҳлил қила олиш қобилияти билан бу нарсаларнинг барини реал ҳаётдан танлаб олган, уларга биров ўзидан қўшиб, сайқал бериб ҳикояларни ягона, ўзига хос шаклга келтирган. Танг даври адабиёти ёзувчилари у каби бундай “оғир меҳнат”ни қилмаганлар, шу сабабли уларни Пу Сунглинг билан қиёслаб ҳам бўлмайди. “Тан сулоласи ҳикоялари” (唐人小说) асарининг муаллифи Ванг Пижианг (汪辟疆) Танг сулоласи ёзувчиси Ли Жинлиан (李景亮) томонидан ёзилган “Ли Жангву афсонаси” (李章武传)га берган таърифида шундай ёзади: “Пу Ши (жаноб)нинг “Ғалати эртақлар”и махсус асарлар сирасига киради”. Дарҳақиқат бу таъриф жуда ўринлидир.

Пу Сунглинг Танг даври ҳикояларини ўрганган ва табиийки, у “Ли Жангву ҳикояси”ни ҳам ўқиган. Аммо айнан шундан андоза олган дея олмаймиз. Айтмоқчимизки, “Ли Жангву ҳикояси” “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” сингари мукамал эмас. Бу асарда кўпроқ умумий тавсифлар ва тафсилотлар берилади, яъни унда деталлар жуда кам. Масалан, Ли Жангву ва император оиласининг қизи ўртасидаги муҳаббатнинг бошланиши, уларнинг бир ой бирга кечирган ҳаёти ва айрилиши ҳақидаги эпизодларида муаллиф мазмунни очиб берувчи деталларни жуда кам қўллагандек кўринади. Аммо шундай содда баёнга қарамасдан, асар яхши чиққан. Бутун асар давомида ўқувчини таъсирлантирган жиҳатлардан бири – қўшни келиннинг Ли Жангвуга севгилиси туғиш пайтида ҳам уни эслганини, ўлими олдида ҳам Лига тилаклар билдирганини ва руҳлар мажлисидаги сўзларни айтганини етказиши эпизодидир. Айнан мана шу гаплар ўқувчини таъсирлантиради. Ван Пижиан (汪辟疆) (1887–1966), илгари

Ван Гуоюан номи билан машхур бўлган. Хитой мумтоз филологияси ва қадимги шеърят тарихи бўйича мутахассис. Унинг сўзлари билан айтганда, бу “ривоят эвфемизми (叙述婉曲)дир” [汪辟疆., 2000; 138]. Бу терминни олим ўз асарларида кўп қўллайди. “李章武传” новелласидаги “Рухлар мажлиси”нинг тафсилотлари эвфемизмнинг таъсирчан деталларини янада бойитганлигини, асосий қисмларни тасвирлаб, яна оддий ҳикоя услубига ўтганлигини қуйидаги новелла таржимаси мисолида кўриб чиқамиз. “Хонанинг шимолий бурчагидан шитирлаган товуш келди. Одамнинг сояси борга ўхшайди, секин-аста яқинлашиб келди. Беш-олти қадам узоқликда унинг шаклини аниқ кўра олиш мумкин бўлиб қолди, кийимидан таниди, аввал кўргани билан бир хил эмасди. Ўзини жуда енгил тутарди, овози ҳам майин ва осуда эди. Ли Жангву ўрнидан тушди, қизнинг кучоқ очганига жавобан у ҳам кучоқлади, ҳудди аввалгидек хурсанд бўлиб кетди. Бирдан сўз бошлади: “У ерга кетганимдан бери барча қариндош-уруғимни унутдим, фақат сени соғиндим, ҳудди аввалгидек соғиндим”, – деган овоз чиқди. Ли Жангву уни қайноқ қарши олди, унинг бошқалардан фарқи бор эди”. Ушбу новеллада Ли Чжангу ва Вангнинг қайғули ва муҳаббатининг тарихи ҳикоя қилинади [<http://www.bestgushi.com/c/tangsong/12750.html>. Новелланинг хитойча матни ушбу сайтдан олинди. Таржима Ж.Т. Зиямухамедовники].

Парча мазмунидан кўриш мумкинки, бу ўринда рух ва инсоннинг учрашуви тасвирланган, аммо улар шунчаки оддий ҳикоя йўли билан ифодаланмоқда. Жангвунинг ўридан тушганидан тортиб рухнинг таърифигача бўлган жараёнда деярли муҳим детал йўқ, “қизнинг кучоқ очганига жавобан у ҳам кучоқлади, ҳаёт қувончга тўлди” ва “Жангву яқинлашди” дейилган таърифларни ҳисобга олмаганда, оддий бир суҳбат бор, холос. Таъсирчанликни ошириш учун қўшимча деталлар берилмаган. Агар бадиият нуқтаи назаридан олиб қарасак, асарни рангсиз ва зайф деб ҳисоблаш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтсак, “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”да одамлар ва рухлар учрашадиган кўпгина сахналар мавжуд, уларда майда деталлар ёрқин рангларида тасвирланган, ўткир жавоблар ёзилган, одамлар ва арвоҳлар қоп-қора зулмат бағрида учрашган бўлишса-да, китобхон одамлар ҳаётидаги баҳорий шамолдан баҳраманд бўлади. Муаллиф шу тарзда деталлардан фойдаланади. Пу Сунглинг сеҳрли новеллаларидаги диалогларда образнинг феъл-атвори, яшаш жойининг қонуниятларини ҳам алоҳида ҳамда улар билан боғлаб тасвирлайди. Масалан “Хурлико Мэй” новелласида гўзал Мэйнинг сўзлари бор: “若此之为, 则生前之垢, 西江不可濯矣” – “Бу мени бир умрлик уятга қўяди, кейин бу уятни ҳатто Сижанг дарёси сувига тушиб ҳам тозалаб бўлмайди” [<https://baike.baidu.com/item/%E6%A2%85%E5%A5%B3/10547039>. Новелланинг хитойча матни ушбу сайтдан олинди. Таржима Ж.Т. Зиямухамедовники]. Юқоридаги жумлада ўша даврда қизлар тарбиясидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратилмоқда, айти пайтда, новеллада хитой жамиятида “уят” ҳисобланган ишларни қилмасликка даъватни кузатишимиз мумкин.

Пу Сунглиннинг ёзган новеллаларида у қўллаган бадий услубда деталлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Ёзувчи новеллаларини давр тақозоси билан қадимги хитой “венян” ёзувида битган бўлса ҳам, уларнинг “байхуа”га ўгирилган матнлари ҳозирда ҳам халқ орасида жуда қизиқиб мутолаа қилинади. Пу Сунглинг тил услубиятида қадимий ва замонавий тилларни бирлаштириш орқали ўхшатиш, метофоралардан фойдаланиб образлар ҳосил қилган. Пу Сунглинг Танг сулоласидаги турли мактаблар ва услубларнинг кучли томонларини ўрганган, уларнинг таъсирида ўз ижод мактабини яратган ва хатто улардан ўзиб ҳам кетган. “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари”да одамлар ва арвоҳлар ўртасидаги муҳаббат кўп тилга олинади. Бундай сеҳрли новеллалардаги баъзи сюжетлар баёнида айрим реал ҳаётнинг деталлари ёзувчи томонидан ўз ўрнида қўлланилади. Шу билан бирга кулги ва ҳазил элементлари ҳам Пу Сунглинг томонидан новеллалар матнига жуда моҳирона сингдирилади. Бу эса мазкур новеллаларнинг таъсирчанлигини ошириш учун, уларнинг бадийлигини янада мазмундор қилиш учун хизмат қилган дейиш мумкин. “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” жаҳон бўйлаб асрлар давомида тарқалиб келмоқда. Шу ўринда француз маърифатпарвар мутафаккири Волтернинг икки юз йил олдин: “Маънога эга ҳар қандай нарса дунёдаги жамики миллатларга кириб боради”, – деб айтган машҳур сўзларини эслаш ўринлидир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Alekseev, V.M. (2002). *Trudi po kitayskoy literature*. Kn. 1-2. Moskva.
2. Alekseev, V.M. (1998). *Rasskazi o lyudyax neobichaynix*. Moskva. 5 s.
3. Alekseev, V.M. (2002). *K istorii demokratizatsii kitayskoy starinnoy literaturi: (O novellax Lyao Chjaya); Tragediya konfusianskoy lichnosti v mandarinskoy ideologii i v novellax Lyao Chjaya*. Alekseev, V.M. *Trudi po kitayskoy literature*. Kn. 1 (s. 434- 446, 415-433). Moskva.
4. Alekseyev, V.M. (1978). *Xitoy adabiyoti. Yig'ma jild*. Moskva.
5. *Kitay i okrestnosti: mifologiya, fol'klor, literature*. (2010). K 75-letiyu akademika Riftina, B.L. Pod red. Smirnova, I.S.; sost. Lidova, N.R. *Orientalia et Classica: Trudi Instituta vostochnix kul'tur i antichnosti*; vip. 25. Moskva. RGGU. 635 s.
6. Fishman, O. (1980). *Tri kitayskix novellista XVII-XVIII vv.: Pu Sun-lin, Szi Yun', Yuan' Mey*. Moskva.
7. *Harvard Journal of Asiatic Studies*. <https://doi.org/10.2307/2719041>
8. Pu Sun-lin. (2000). *Strannie istorii iz Kabineta Neudachnika (Lyao Chjay chji i)*. Per. s kit. Alekseeva, V.M. Sost. Ban'kovskoy, M.V. SPb.: Sentr «Peterburgskoe Vostokovedenie». 784 s.
9. Pu Sun-lin. (2000). *Rasskazi Lyao Chjaya o chudesax*. SPb. 400 s.
10. Pu Sun-Lin. (1955). *Lis'i chari. Strannie istorii* Per. s kit. akad. Alekseeva, V. M. Pod red. Fedorenko N. F. Moskva. GIXL. 296 s.
11. Pu Sun-lin. (1957). *Monaxi-volshebniiki. Rasskazi o lyudyax neobichaynix*. Per. s kit. akad. Alekseeva, V.M. Pod red. Fedorenko, N.F. Moskva. GIXL. 564 s.
12. Pu Sun-lin. (1961). *Novelli*. Per. s kit. Ustina, P. M., Fayngara, A. A. Pod red. Pozdneevoiy, L.D. *Xudojestvennaya literature*. Moskva. 384 s.
13. Pu Sun-lin. (1973). *Rasskazi Lyao Chjaya o chudesax*. Per. s kit. akad. Alekseeva, V.M. Sost. Eydlin, L.Z. *Xudojestvennaya literature*. Moskva. 576 s.
14. Riftin, B.L. (2008). *Novelli Pu Sun-lina (Lyao Chjaya) v perevodax akademika Alekseeva, V.M. Vostochnaya klassika v russkix perevodax: obzori, analiz, kritika*. Vost. Lit. Moskva. 113-203

15. Sheralieva, M. (2019). *Yil o'zbek qissalari*. Sharq yulduzi, 20.
16. Solijonov, Y. (2007). *Detallar tilga kirganda*. «O'zbekiston adabiyoti va san'ati», 5.
17. Soloveva, A.V. (2012). *K 80-letiyu B. L. Riftina*. Jivaya starina. 3, 60 s.
18. Ustin, P.M. (1981). *Pu Sunlin i yego novelli*. Moskva.
19. Vasilev, B.A. (1931). *Drevnie istochniki Lyao Chjaya*. Izv. AN SSSR. Otd-nie obshestv, nauk. 23-52.
20. Voskresenskiy, D.N. (2006). *Esseisticheskoe tvorchestvo Pu Sunlina*. Voskresenskiy, D.N. Literaturniy mir srednevekovogo Kitaya (545-561-b.). Moskva.
21. Xasanova, F. (2018). 文言 va 白话 *tushunchalari haqida*. "O'zbekiston-Xitoy: tarixiy madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalar rivoji" Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari (339-342-b.). Toshkent.
22. *Xitoy novellistikasi va Pu Sungling asarlarining o'rganilishi*. (2003). Sharqshunoslik. 2, 67-80.
23. Ziyamuxamedov, J. (2004). *Pu Sungling*. Xitoy novellalari. Jahon adabiyoti, 7.
24. Ziyamuxamedov, J. (2016). *Pu Sungling va o'rtta asr xitoy novellalari*. Toshkent. Cho'lpon.
25. Ziyamuxamedov, J., & Shamshiyeva, Z. (2012). *Liao Zhai (Pu Sung-ling) novellalari*. Xitoy adabiyoti bo'yicha xrestomatiya. Toshkent. 2012.
26. Ziyamuxamedov, J. (2004). *Xitoy sehrli novellasi – Chuan'chining paydo bo'lish va rivojlanish bosqichlari*. Sharqshunoslik. 3.
27. 汪辟疆。目录学研究。华东师范大学出版社。(2000)。
28. <https://www.gushiciju.com/shici/79155a7>
29. <http://wyw.5156edu.com/html/z1419m6260j2034.html>
30. <https://duguoxue.com/yuedu/29160.html>
31. <http://qixin123.cn/post/551.html>
32. <http://www.bestgushi.com/c/tangsong/12750.html>
33. <https://duguoxue.com/yuedu/29153.html>
34. <https://baike.baidu.com/item/%E6%A2%85%E5%A5%B3/10547039>.
35. <https://brill.com/view/journals/soan/aop/article-10.1163-15685306-BJA10031/article-10.1163-15685306-BJA10031.xml>

REFERENCES

1. *A study of Chinese novels and the works of Pu Sung ling*. (2003). Oriental Studies, 2, 67-80.
2. Alekseev, V.M. (2002). *Works on Chinese literature. Book. 1-2*. Moscow.
3. Alekseev, V.M. (1998). *About Pu Song ling*. In the book: Pu Song ling. Stories about extraordinary people. Moscow. 5.
4. Alekseev, V.M. (2002). *On the history of the democratization of ancient Chinese literature: (On the novellas of Liao Zhai); The tragedy of the Confucian personality in the Mandarin ideology and in the novels of Liao Zhai*. Alekseev, V.M. Works on Chinese literature. Book. 1 (pp. 434-446, 415-433). Moscow.
5. Alekseyev, V.M. (1978). *Chinese literature*. Moscow.
6. *China and surroundings: mythology, folklore, literature*. (2010). To the 75th anniversary of academician Riftin, B.L. Ed. Smirnova, I.S. comp. Lidova, N.R. (Orientalia et Classica: Proceedings of the Institute of Oriental Cultures and Antiquity; issue 25). Moscow. RSHU. 635 p.
7. Fishman, O. (1980). *Three Chinese novelists of the 17th-18th centuries: Pu Sun-ling, Ji Yun, Yuan Mei*. Moscow.
8. *Harvard Journal of Asiatic Studies*. <https://doi.org/10.2307/2719041>.
9. Khasanova, F. (2018). *About the concepts of Wenyan and Baihua*. Proceedings of the International scientific-practical conference "Uzbekistan-China: the development of historical, cultural, scientific and economic ties" (pp. 339-342). Tashkent.
10. Pu Sung-ling. (2000). *Strange stories from the Cabinet of the Loser* (Liao Zhai zhi). Per.

- with whale. Alekseeva, V.M. Comp. Bankovskaya, M.V. SPb.: Center "Petersburg Oriental Studies". 784 p.
11. Pu Sung-ling. (2000). *Liao Zhai's Tales of Miracles*. SPb. Azbuka. 400 p.
 12. Pu Sun-ling. (1955). *Fox charm*. Strange stories. Per. with whale. acad. Alekseeva, V.M. Ed. Fedorenko, N.F. Moscow. GIHL. 296 p.
 13. Pu Sung-ling. *Wizard monks*. Stories about extraordinary people. Per. with whale. acad. Alekseeva, V.M. Ed. Fedorenko, N.F. - Moscow. GIHL. 564 p.
 14. Pu Sung-ling. (1961). *Novels*. Per. with whale. Ustin. P.M., Fayngara. A.A. Ed. Pozdneeva, L.D. Moscow. Fiction. 384 p.
 15. Pu Sung-ling. (1973). *Liao Zhai's Tales of Miracles*. Per. with whale. acad. Alekseeva, V.M. Comp. Eidlin, L.Z. Moscow. Fiction. 576 p.
 16. *Riftin BL Novels by Pu Sung-ling (Liao Zhai) in the translations of Academician Alekseev, V.M.* (2008). Eastern classics in Russian translations: reviews, analysis, criticism (pp. 113-203). Moscow. East. lit.
 17. Sheralieva, M. (2019). *Uzbek stories*. Star of the East (20). Tashkent.
 18. Solijonov, Y. (2007). *When the details are mentioned*. Literature and art of Uzbekistan, 5.
 19. Solovyova, A.V. (2012). *To the 80th anniversary of Riftin, B.L.* Living antiquity, (3), 60.
 20. Ustin, P.M. (1981). *Pu Sung ling and his short stories*. Moscow.
 21. Vasiliev, B.A. (1931). *Ancient sources of Liao Zhai*. Izv. Academy of Sciences of the USSR. Separation of societies, sciences, 23-52.
 22. Voskresenskiy, D.N. (2006). Essay creativity of Pu Sung ling. Resurrection, D.N. The literary world of medieval China (pp. 545-561). Moscow.
 23. Ziyamuxamedov, J. (2004). Pu Sung ling. Chinese short stories. World literature, 7.
 24. Ziyamuxamedov, J. (2016). Pu Sung ling and medieval Chinese short stories. Tashkent. Cholpon.
 25. Ziyamuhamedov, J., & Shamsieva, Z. (2012). *Short stories by Liao Zhai (Pu Sung-ling)*. (Chrestomathy in Chinese Literature). Tashkent.
 26. Ziyamuhamedov, J. (2004). *Chinese Magic Novel - Stages of Emergence and Development of Chuanchi*. Oriental Studies, 3.
 27. 汪辟疆。目录学研究。华东师范大学出版社。(2000)。
 28. <https://www.gushiciju.com/shici/79155a7>
 29. <http://wyw.5156edu.com/html/z1419m6260j2034.html>
 30. <https://duguoxue.com/yuedu/29160.html>
 31. <http://qixin123.cn/post/551.html>
 32. <http://www.bestgushi.com/c/tangsong/12750.html>
 33. <https://duguoxue.com/yuedu/29153.html>
 34. <https://baike.baidu.com/item/%E6%A2%85%E5%A5%B3/10547039>.
 35. <https://brill.com/view/journals/soan/aop/article-10.1163-15685306-BJA10031/article-10.1163-15685306-BJA10031.xml>